



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 29 » yanvar № 49

Toshkent sh.

### Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштиришни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда сифатли ва ҳолисона баҳолаш, айниқса, меҳнат бозорига илк бор кириб келувчи меҳнатга лаёқатли ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмасини **Махсус электрон платформа** (кейинги ўринларда – Платформа) орқали шакллантириш ҳамда Платформани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

олий маълумотли кадрларга давлат буюртмаси Платформада жамланган маълумотлар ва меҳнат бозори талабини таҳлил қилиш асосида аниқланади;

кадрларга бўлган **эҳтиёж 4 йиллик даврга ишлаб чиқилиб**, ҳар йили меҳнат бозорининг ўзгариш тенденциялари, ҳудудларда ижтимоий соҳа муассасалари ва иқтисодиёт тармоқларини кадрлар билан таъминлашни инобатга олган ҳолда, Платформага тегишли тузатишлар киритиб борилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат буюртмасини шакллантиришда **маълумотларни жамлаш**, қайта ишлаш ва буюртмани юқори турувчи органларга тақдим этиш;

иш берувчиларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган **эҳтиёжини аниқлаш тартиби**;

иқтисодиёт тармоқларини мутаносиб ривожлантириб бориш мақсадида давлат буюртмасини шакллантиришда **устуворлик бериладиган йўналишларни аниқлаш**.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда 2025 йилдан бошлаб **4 йиллик давр учун давлат буюртмаси** параметрларини олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига **ҳар йили 1 майга қадар** киритишни таъминласин.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2025 йил 1 апрелга қадар** ўзларига тегишли бўлган электрон маълумотлар базалари “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали **Платформага интеграция қилинишини таъминласин.**

Бунда:

интеграция қилинадиган маълумотлар базалари рўйхатини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан келишган ҳолда шакллантиради;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Ахборот технологиялари маркази” давлат унитар корхонаси Платформани ишга тушириш билан боғлиқ техник жараёнларни амалга ошириш, Платформа иштирокчилари ўртасида маълумотлар алмашинувини “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали амалга ошириш ва шаффофликни таъминлаш бўйича масъул ҳисобланади.

6. Белгилансинки, олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантиришда Платформага қўйидаги маълумотлар киритиб борилади:

а) Солиқ қўмитаси томонидан:

иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сони (иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудлар кесимида);

давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман бандлиги тўғрисидаги маълумотларни (фаолият турлари кесимида);

б) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси ҳақида;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан “Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)” ахборот тизимида мавжуд битирувчилар ва олий таълим ташкилотлари тўғрисида;

г) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш ҳисобидан келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж ҳақида;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция дастурлари ҳамда ҳудуднинг ривожланиш истиқболларини инобатга олган ҳолда, келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган талаб тўғрисида;

е) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан ўз тизимларида келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган талаб тўғрисида.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат улуши мавжуд бўлмаган йирик иш берувчи корхоналарни уларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш мақсадида Платформага улаш бўйича тарғибот ишларини амалга оширсин.

8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **икки ой** муддатда республика бўйича аҳоли бандлиги, бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш, меҳнат бозорига кириб келувчи ёшларнинг ҳудудлар кесимида иш билан бандлигини таъминлаб бориш бўйича мавжуд механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 29 январдаги 49-сон қарорига  
илова

## Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом олий таълим учун олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат буюртмаси** – иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб, давлат гранти кўринишида ажратиладиган кадрларга бўлган буюртма;

**кадрларга бўлган эҳтиёж** – иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган талаби;

**кадрлар буюртмачиси** – келгуси йилларда ўз тизимини кадрлар билан таъминлаш учун буюртма берувчи ташкилот;

**Платформа** – Иқтисодиёт ва молия вазирилиги томонидан юриталидиган, давлат буюртмасини шакллантиришда маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш имонини берувчи рақамлаштирилган махсус электрон дастур;

**табиий кетиш коэффициенти** – соҳа ёки тармоқда ҳар йили табиий сабабларга кўра (пенсияга чиқиш, вафот этиш, кўчиб кетиш ва бошқалар) юзага келадиган кадрлар қўнимсизлиги кўрсаткичи.

3. Олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж юзасидан тегишли таҳлиллар ўтказиш, олий таълим ташкилотида меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кадрларни тайёрлаш имкониятини ўрганиш ҳамда иш берувчиларнинг талабларига мос кадрларни тайёрлаш учун реал эҳтиёжни шакллантириш олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

### 2-боб. Олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни аниқлаш тартиби

4. Олий маълумотли кадрларга эҳтиёж Платформа орқали аниқланади.

5. Платформада қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

иқтисодий фаолият турлари кесимида иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сони;

фаолият турлари кесимида давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман бандлиги;

меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси;

республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари битирувчилари сони;

олий таълим ташкилотлари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида мавжуд қувватлар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқитиш учун моддий-техника базаси.

Шакллантирилган маълумотлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта ишлаб борилади.

6. Олий маълумотли кадрларга эҳтиёж ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантирилади.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Платформага “Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)” ахборот тизимини интеграция қилади ҳамда ҳар ўқув йили якуни бўйича 3 ой муддатда талабалар ва олий таълим ташкилотлари тўғрисидаги зарур маълумотларни бериб боради.

8. Солиқ қўмитаси:

ҳар йили 1 мартга қадар Платформага иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сони (иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудлар кесимида) тўғрисида;

ҳар йили 10 мартга қадар Платформага давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман бандлиги тўғрисидаги маълумотларни (фаолият турлари кесимида) киритади.

9. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳар йили 15 мартга қадар Платформага меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни киритади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 1 мартга қадар йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш ҳисобидан келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни киритади.

11. Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 15 мартга қадар Платформага иш берувчиларнинг ўз тизимларида ҳамда тегишли ҳудудда келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж бўйича маълумотларни киритади.

12. Шакллантирилган маълумотлар асосида аниқланган олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёждан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан олий таълим ташкилотларида ҳар 4 йилда давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда фойдаланилади ва вазирлик расмий веб-сайтига жойлаштирилиб борилади.

13. Давлат буюртмасини шакллантиришда кадрларга бўлган умумий эҳтиёж иш берувчилар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар кесимида қуйидагича аниқланади:

иктисодиёт тармоқлари кесимида мавжуд олий маълумотли кадрлар ҳамда соҳаларнинг ривожланиш стратегиялари бўйича келгуси йилларда яратиладиган иш ўринлари ва узоқ муддат (1 йилдан ортиқ) давомида бўш турган бўш иш ўринларини тўлдириш учун зарур бўлган кадрлар сони аниқланади;

худудлар кесимида ижтимоий соҳа ва бошқа бюджет ташкилотларини барқарор равишда кадрлар билан таъминлаб бориш учун зарур бўлган кадрлар сони аниқланади.

Бунда соҳалар бўйича амалда фаолият юритаётган кадрлар таҳлили ўтказилиб, ҳар бир соҳа бўйича табиий кетиш коэффициенти қўлланилади.

Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$ST = R + L + V + (MK * Tk)$$

**ST** – соҳа кесимида кадрларга бўлган умумий эҳтиёж;

**R** – ривожланиш стратегияларини амалга ошириш орқали яратиладиган янги иш ўринлари;

**L** – янги лойиҳалар (янги филиаллар, муассасалар ташкил этилиши) орқали худудларда ташкил этиладиган янги иш ўринлари;

**V** – узоқ муддат (1 йилдан ортиқ) давомида бўш иш ўринлари;

**MK** – тармоқда амалда банд бўлган кадрлар сони;

**Tk** – соҳавий хусусиятлар ва мавжуд кадрлар таркибидан келиб чиқиб қўлланиладиган табиий кетиш коэффициенти.

Аниқланган соҳа талаби асос сифатида олиниб, макроиктисодий таҳлиллар ўтказилади, бунда:

тегишли соҳа бўйича худудлар кесимида амалда ўқиётган талабалар ва битирувчилар сони;

меҳнат бозорида тегишли соҳа бўйича мавжуд бўш иш ўринлари, ишсиз ҳисобланган кадрлар ва иш ўринларининг ўсиши (ёки қисқариши) тенденциялари ўрганиб чиқилиб, соҳавий умумий талабга тегишли тузатишлар киритилади ва тармоқларнинг ўрта муддатдаги реал эҳтиёжи аниқланади.

Бунда:

$$RST = ST - T - Is$$

**RST** – соҳанинг ўрта муддатдаги (4 йиллик давр учун) кадрларга бўлган реал эҳтиёжи;

**ST** – соҳа кесимида кадрларга бўлган умумий эҳтиёж;

**T** – ОТМларда амалда кадрларга бўлган талаб аниқланаётган йўналишлар бўйича таҳсил олаётган талабалар сони (худудлар кесимида аниқланади);

**Is** – меҳнат бозорида кадрларга бўлган талаб аниқланаётган йўналишлар бўйича мос бўлган дипломга эга ишсизлар сони.

14. Соҳалар бўйича эҳтиёж умумлаштирилиб, олий маълумотли кадрларга бўлган давлат буюртмаси шакллантирилади.

Бунда ҳар йили умумий аниқланган эҳтиёжнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисмига давлат буюртмаси белгиланади.

15. Давлат буюртмаси асосида кадрлар давлат гранти асосида тайёрланади.

Меҳнат бозорини кадрлар билан таъминлашда барқарорликни таъминлаш мақсадида шакллантирилган эҳтиёж 4 йиллик даврда қопланиши кўзда тутилади.

4 йиллик даврга давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш бўйича умумий параметрлар шакллантирилиб, ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда тегишли тузатиш киритиб борилади.

16. Давлат буюртмасини шакллантиришда умумий аниқланган эҳтиёждан қуйидагиларга устуворлик берилган ҳолда унга тегишли тузатишлар (кўпайтириш/камайтириш) киритилади:

таълим ва тиббиёт муассасаларини кадрлар билан тўлдириш;

давлат аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни кадрлар билан таъминлаш;

ҳудудларда саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини кадрлар билан тўлдириш;

энергетика, кимё, автомобилсозлик каби стратегик соҳаларда кадрлар етишмовчилигининг олдини олиш.

17. Давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Мазкур Низом асосида шакллантирилган маълумотлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталида эълон қилиб борилади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.



Олий маълумотли кадрларга давлат буюртмасини  
шакллантириш тўғрисидаги низомга  
илова

**Олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни аниқлашда  
маълумотларни шакллантириш ва жамлаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъект	Чора-тадбирлар	Муддат
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Платформага “Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)” ахборот тизимини интеграция қилади ҳамда талабалар ва олий таълим ташкилотлари тўғрисидаги зарур маълумотларни киритиб боради.	Ўқув йили яқуни бўйича 3 ой муддатда
2-босқич	Солиқ қўмитаси	1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг махсус электрон платформасига (платформа) иқтисодиёт тармоқларида расман банд бўлган аҳоли сони (иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудлар кесимида) тўғрисида маълумотларни киритади. 2. Платформага давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ўқишни тамомлагандан сўнг расман бандлиги тўғрисидаги маълумотларни (фаолият турлари кесимида) киритади.	Ҳар йили 1 мартга қадар  Ҳар йили 10 мартга қадар
3-босқич	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Меҳнат ресурслари баланси, меҳнат бозорида мавжуд бўш иш ўринлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни платформага киритади.	Ҳар йил 15 мартга қадар
4-босқич	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш ҳисобига келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида маълумотларни киритади.	Ҳар йили 1 мартга қадар
5-босқич	Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Иш берувчиларнинг ўз тизимларида ҳамда тегишли ҳудудда келгуси йилларда юзага келиши кутилаётган кадрларга бўлган эҳтиёж бўйича маълумотларни платформага киритади.	Ҳар йил 15 мартга қадар